ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА НОРАСМИЙ БАНДЛИК ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдувоҳидов Нажмиддин Раҳматуллаевич
Самарқанд ИСИ
Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси
najmiddinabdunabiyev77@gmail.com

Аннотация.*Норасмий бандлик муаммоси фақатгина мамлакатимиз иқтисодиёти учун эмас, халқаро миқиёсдаги глобал муаммодир.*

Норасмий бандлик фақатгина фуқароларнинг ижтимоий, меҳнат ҳуқуқларини чекланишигина эмас, балким давлат бюджетига даромадларни камайиши ҳамдир.

Дунё иқтисодиётида 2,0 млрд нафар фуқаролар норасмий банд бўлиб, жаҳон меҳнат ресурсларининг 58,0 фоизини ташкил этади.

Мазкур тадқиқот ишида яширин иқтисодиётнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатлари энг оғир бўлган шакли норасмий бандлик муаммоларини хизмат кўрсатиш тармоқларида олдини олиш ва бартараф этиш йўллари тадқиқ қилинди.

Калит сўзлар:*норасмий бандлик, яширин иқтисодиёт, рақамли яширин иқтисодиёт, рақамли хизматлар, меҳнат мигрантлари, халқаро меҳнат ташкилоти, хизматлар соҳаси.*

Аннотация. *Проблема неформальной занятости является не только проблемой экономики нашей страны, но и глобальной проблемой международного масштаба.*

Неформальная занятость заключается не только в ограничении социальных и трудовых прав граждан, но и в сокращении доходов государственного бюджета.

В мировой экономике 2,0 млрд граждан заняты неформально, что составляет 58,0 процента мировых трудовых ресурсов.

В данном исследовании изучены пути предупреждения и устранения проблемы неформальной занятости в сфере услуг, являющейся одной из наиболее тяжёлых форм теневой экономики по своим социальным и экономическим последствиям.

***Ключевые слова**: неформальная занятость, теневая экономика, цифровая теневая экономика, цифровые услуги, трудовые мигранты, Международная организация труда, сфера услуг.*

***Abstract.** The problem of informal employment is not only an issue for the economy of our country, but also a global problem at the international level.*

Informal employment not only limits the social and labour rights of citizens, but also leads to a reduction in state budget revenues.

In the global economy, 2.0 billion people are informally employed, accounting for 58.0 percent of the world's labour resources.

This study examines ways to prevent and eliminate the problem of informal employment in the service sector, which is one of the most serious forms of the shadow economy in terms of its social and economic consequences.

***Keywords**: informal employment, shadow economy, digital shadow economy, digital services, migrant workers, International Labour Organization, service sector.*

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Халқаро меҳнат ташкилоти(ХМТ)нинг ахборотларида 2023 йилда бутун дунё бўйлаб 2,0 млрддан ортиқ фуқаро норасмий бандликда фаолият юритаётганлиги, улар жаҳон меҳнат ресурсларининг 58,0 фоизини ташкил этишини, айрим Африка давлатларида бу кўрсаткич 87,6 фоизни қайд этган ҳолда, охирги ўн йил давомида норасмий бандлик даражасини 1 фоиз миқдорга ҳам етмайдиган даражада пасайганлигини баҳолаб, бу жуда секин суръат эканлигини қайд этган[1].

Шу сабабли мазкур ташкилот яқин келажакда халқаро миқиёсда норасмий бандликни кенг кўламда расмийлаштиришга эришишни кутиш қийинлигини баҳолаган.

Бу ҳолат айниқса ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти учун жуда катта хатардир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.Тадқиқотчилар Т.Карабчук ва А.Забировалар (2018)[2] ўз тадқиқотида *“норасмий бандлик”* ва *“норасмий секторда бандлик”* тушунчаларига аниқлик киритиб, уларни илмий асослаганлар, К.Виллиамс ва И.Хородниклар (2018)[3] тадқиқотида, биринчи марта қуйидаги гипотезани илгари сурган: *“Хизмат кўрсатиш тармоқларида расмий меҳнат бозоридан четлаштирилган аҳоли гуруҳларига мансуб шахслар бошқа гуруҳларга нисбатан норасмий бандлик билан ишлаш эҳтимоли юқорироқ бўлади*”. Т.Экиси ва В.Мустафа (2018)[4]

лар тадқиқотида расмий ва норасмий банд қилинган ишчилар ўртасидаги иш ҳақи тафовутини ўрганганлар. Уларнинг тадқиқот усуллари асосида баҳоланган натижаларига кўра, “соя иқтисодиёти”да ишлаш соатлик иш ҳақи бўйича 59 фоизгача йўқотишга олиб келса, ойлик маош бўйича эса бу йўқотиш тахминан 66 фоизни ташкил этиши, хизматлар соҳасида ишловчилар учун иш ҳақи тафовути янада юқори бўлиб, 70 фоизгача етишини асослаганлар.

Тадқиқот методологияси. Хизматлар соҳасида яширин иқтисодиёт ва унинг таркибий қисми бўлган “норасмий бандлик”муаммоларини тадқиқ қилиш жараёнида мантиқий ёндошув, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг бошқа усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.Халқаро миқиёсдаги олимлар норасмий бандлик масаласини 2 тоифага ажратиб тадқиқ қиладилар[5]:

-норасмий сектордаги бандлик;

-норасмий бандлик.

Норасмий бандлик –бу кузатилмайдиган иқтисодиётдаги бандлик тури бўлиб, унда ёлланма ходим ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари расмий давлат органларидан яширилганлиги аниқланади[6].

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан ишлаб чиқилган ёндашувларга мувофиқ, *норасмий бандлик* расмий ва норасмий соҳа корхоналаридаги норасмий ишчи ўринлари мажмуини ўз ичига олади[7].

Халқаро миқиёсда ҳам мамлакатимизда ҳам норасмий бандлик даражасини аниқлашнинг умумий методикаси мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[8] қарори билан асосий турдаги хизматларни кўрсатувчи корхоналарга 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача (27.02.2025 й.даги ПҚ-78 қарор билан имтиёз муддати 2028 йил 1 январга қадар узайтирилган) ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгиланиши хизмат ва сервис соҳасида норасмий бандликни расмийлаштиришга катта иқтисодий имкониятлар яратди.

Мазкур йўналишларда хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи (Самарқанд вилояти)корхоналаридан 20 тасини танлаб, тадқиқот ўтказганимизда ушбу 20 та корхонанинг 3 йил давомида иш ҳақи ҳисобланган ишчилар сони ўртача 2,5 баробарга, уларга ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи эса 3,1 баробарга ошганлиги, ушбу норматив

ҳужжат ижросининг амалда иқтисодий самарадорлиги қанчалик юқори бўлаётганлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда норасмий бандлик даражасини расмий статистикада кўрадиган бўлсак, 2023 йилда 5466,1 минг нафар фуқароларимиз норасмий банд бўлган бўлса, 2025 йилга келиб 549,5 минг нафарга камайиб 4916,6 минг нафарни ташкил этган(1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

2023-2025 йилларда Ўзбекистонда норасмий бандлик динамикаси*

Кўрсаткичлар	**йиллар**			**Ўсиш, камайиш (+,-)**
	2023	**2024**	**2025**	
1.Аҳоли сони, *минг нафар*	36799,7	37543,2	38236,7	+1437,0
2.Иқтисодий фаол аҳоли сони, *минг нафар*	15042	15099,2	15678,8	+636,8
3.Расмий секторда банд аҳоли сони, *минг нафар*	6503	7472,5	8576,4	+2073,4
4.Норасмий секторда банд аҳоли сони, *минг нафар*	5466,1	5412,7	4916,6	-549,5
5.Республикадан ташқарига ишлаш учун кетганлар, *минг нафар*	2047,9	1377,6	1440,9	-607,0

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги расмий маълумотлари асосида тайёрланган;*

Мамлакатимизнинг хорижда меҳнат мигрантлари сифатида фаолият кўрсатаётган фуқароларининг асосий қисми юқори малака талаб этмайдиган хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган бўлсада, уларнинг расмий бандлиги бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаяпти, очиқ манбаларда улар тўғрисидаги маълумотлар жуда кам, маҳалла тизимидаги масъул ходимлар томонидан мониторинг тадбирлари олиб борилаётган бўлсада, уларни расмий бандлиги масаласи қоунчилигимизда тўлиқ ўз аксини топмаган. Ваҳоланки чет элларда икки млн нафарга яқин фуқароларимиз меҳнат мигранти сифатида фаолият кўрсатиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи учун улкан ҳисса қўшиб келмоқда(3-жадвалга қаранг).

2-жадвал

2023-2025 йилларда Ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари ва улар томонидан юборилган пул маблағларининг иқтисодиётдаги ўрни*

Йиллар	Меҳнат мигрантлари сони, *минг нафар*	Юборган пул маблағлари, *млрд АҚШ доллари*	Ўртача бир нафар меҳнат мигрантига тўғри келадиган сумма, *минг АҚШ долари*	ЯИМ ҳажми, (Жаҳон банки маълумоти бўйича), *млрд АҚШ доллари*	ЯИ Мдаги улуши, %
2023	2047,9	11,4	5,7	107,5	10,6
2024	1377,6	14,8	11,4	121,3	12,2
2025	1440,9	18,9	13,5	147,0	12,8

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Марказий банк ва миллий статистика қўмитаси, Жаҳон банки маълумотлари асосида тайёрланган*

Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимиз томонидан юборилаётган маблағлар мамлакат иқтисодиётининг ўртача 12 фоизини ташкил этиши бу мазкур соҳада кенг кўламли тадқиқотлар ва ислоҳатлар олиб борилишини талаб этади.

Ўзбекистонда охирги йилларда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 34,2 млрд АҚШ долларини[9] ташкил этаётган бир пайтда “Иш кучи экспорти”дан 18,9 млрд доллар маблағ келиши мамлакат иқтисодиёти учун кенг кўламли драйвер ҳисобланади.

Мазкур фуқаролар томонидан норасмий каналлар орқали мамлакатимизга юборилган пул маблағларини инобатга олсак, бу иқтисодиётимиз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини тушунишимиз мумкин.

Ваҳоланки, товар ва хизматлар экспорти учун тадбиркорлик субъектларига солиқ ва божхона тўловлари бўйича жуда кўплаб имтиёз ва преференциялар берилиб, давлат томонидан кенг кўламли қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, мамлакатимизда мазкур фуқароларимизни иқтисодиётни ривожига қўшаётган ҳиссасини инобатга олиб, уларнинг меҳнат ва нафақага чиқиш ҳуқуқлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда кафолатланиши ҳисобига уларнинг расмий бандлиги тўлақонли таъминланиши лозим.

Хулоса ва таклифлар: Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги тавсия ва хулосаларни қилиш мумкин.

Биринчидан, хизматлар ва сервис соҳасидаги норасмий бандликни олдини олиш учун вақтинчалик инструмент сифатида қўлланилаётган ижтимоий солиқ суммасининг 1 фоиз миқдорда ҳисобланишини кенг тарғиб қилиш лозим.

Иккинчидан,тегишли вазирлик ва идоралар(миграция агентлиги,ИИВ, Марказий банк, солиқ қўмитаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва бошқ) маълумотлар базасини интеграция қилиш орқали онлайн платформа яратиб, унда меҳнат мигрантларини ҳисобини юритилишини таъминлаш;

Учинчидан,меҳнат мигрантларининг мамлакатимизда расмий бандлигини эътироф этиш(иш стажи ҳисобланиши) учун бугунги кунда самарасиз бўлган ихтиёрий равишда бир йилда БҲМнинг бир баравари миқдоридаги ижтимоий солиқ ўрнига, уларнинг мамлакатимизга расмий равишда юборган пул маблағларининг йиллик минимал қиймати(мисол учун 5 минг ёки 10 минг АҚШ доллари)дан ошганда, шу йил учун уларни расмий бандлигини эътироф этиб, уларга меҳнат стажи ҳисоблаш амалиётини жорий этиш, бунинг учун юқорида таклиф этилган рақамлаштирилган платформадан фойдаланиш таклиф этилади.

Тўртинчидан,норасмий бандликни салбий оқибатлари-меҳнат ҳуқуқларини чекланиши, ижтимоий оқибатлари, давлат бюджетига етказилаётган зарари хусусида доимий равишда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда профилактик тадбирлар кучайтирилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Халқаро меҳнат ташкилоти(ХМТ)нинг ILOSTAT портали маълумотлари(мурожаат 15.09.2026 й)

2. Tatiana Karabchuk & Aigul Zabirova (2018) Informal employment in service industries: estimations from nationally representative Labour Force Survey data of Russian Federation, The Service Industries Journal, 2018., 38:11-12, 742-771-бетлар, DOI:10.1080/02642069.2018.1477131

3. Williams, C.C., Horodnic, I.A. (2018) Extent and distribution of unregistered employment in the service industries in Europe. Service Industries Journal, 38 (11-12). pp. 856-874. ISSN 0264-2069 https://doi.org/10.1080/02642069.2018.1481209

4. Ekici. T., Besim. M., Shadow price of working in the shadows: services industry evidence- Service industries journal, Volume 38, Issue 11-12, Page 708-722, DOI:10.1080/02642069.2018.1467402

5.Куницына Н. Н., Дюдикова Е. И., Масштабы занятости в неформальном секторе экономики: парадоксы измерения // Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. 2023. № 3. С. 217—238. https:// doi.org/10.14515/monitoring.2023.3.2335.

6.Капитонова Н.В., Жупикова Е.В., Тенденции развития неформальной занятости в современной России и на Дальнем Востоке// ТЕНЕВАЯ ЭКОНОМИКА Том 7,№2, Апрель–июнь 2023,с.197-208

7. Мирзакаримова М.М., Олимжонова Ш., Норасмий бандлик ва уни легаллаштириш масалалари// ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2014, №12, 50-60-бетлар

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори-Lex.uz қонунчилик миллий базаси

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг STAT.UZ портали ташқи иқтисодий фаолият бўлими(28.09.2026й.мурожаат қилинган)